

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 29/30.12.2019.I.92.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ АКМАЛ ОБИДОВИЧ

**СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари»
08.00.04 – «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти»**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt852 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.instat.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кенжабаев Аман Тургунович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимов Раимжон Хакимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хасанов Бахтиёр Урушович
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 29/30.12.2019.I.92.01. рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй, Тел.: (99871) 202-81-86, факс: (99871) 202-81-86, e-mail: instat@exat.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй, Тел.: (99871) 202-81-86, факс: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.С.Ғуломов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., академик

К.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

Б.К.Ғойибназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Дунё миқёсида Қатар, Исроил, Эрон давлатларида сув ўта тақчил бўлса, Бразилия 8233, Россия 4508, АҚШ 3051 км/куб сув захирасига эга. “Халқаро сув тақчиллиги рейтинги”¹да Исроил давлати суғориш учун сувнинг кескин танқислиги бўйича 2-ўринда туришига қарамасдан, сувдан самарали фойдаланиш ва умуман, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида ахборот тизимларини оптимал қўллаш эвазига аҳолисининг 95% ини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлайди. Буларни ҳисобга оладиган бўлсак, сувдан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ турли иқтисодий масалаларни ечишда ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан кенг фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада сув хўжалигида ахборот тизимларини ишлаб чиқишга, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ривожланишининг сув ресурслари билан боғлиқ маълумотлари ва ҳудудларнинг сув ресурсларига бўлган талаблари тўғрисидаги ахборотлар таҳлилига тизимли ёндашув асосидаги ахборот жараёнларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган ахборот технологиялар ва тизимларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши ушбу соҳа олдида турган кўплаб иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Бу борада республикамизда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Дастурий маҳсулотлар ҳажмини 5 баробар, уларнинг экспортини эса 10 баробар ошириш, 500 миллион АҚШ долларига етказиш”², “Сув хўжалиги тизимидаги 6610 та объектга рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига 155 млн куб метр сув иқтисод қилиш”³ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Уларни амалга оширишда, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ахборот технологияларини қўллаш, соҳага замонавий – аниқ деҳқончилик, ақлли фермалар, ақлли иссиқхоналар, катта маълумотлар (Big-data) базасини ташкил этиш сингари технологияларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹Rutger Willem Hofste, Paul Reig and Leah Schleifer. 17 Countries, Home to One-Quarter of the World's Population, Face Extremely High Water Stress. - August 06, 2019. <https://www.wri.org/blog/2019/08/17-countries-home-one-quarter-world-population-face-extremely-high-water-stress>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026-йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 1-илова

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026-йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 18 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4801-сон “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 714-сон “Сув хўжалиги тизимида замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан қайд этилган комплекс чора-тадбирларда белгиланган: “Сув хўжалиги тизими бўйича сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларни татбиқ этиш асосида, реал вақт режимида тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш дастурини белгиланган тартибда босқичма-босқич жорий қилиш” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан яратилган илмий тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ирригация тизими бошқармаларида сувдан самарали фойдаланишда ахборот тизимларини қўллашни такомиллаштириш муаммолари қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги асосий стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ахборот тизимларини сув хўжалигини бошқариш тизимида жорий этишнинг илмий-амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Мавзуга оид муаммоларнинг ечимлари билан Ричард Коех, Филип Лангартлар “Суғоришда сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусида, Энда О’Коннелл “Сув ресурслари тизимининг иқлим ва ижтимоий-иқтисодий тизимларга мослашуви” мавзусида, Жаиме Саинз-Сантамария, Адан Л., Мартинез-Крузлар “Ирригация тизимларига киритилган инвестиция муаммолари”, Олуфунке Кофи, Тилахун Амеде “Сув ресурсларини бошқариш стратегиясининг йўналишларини ташкил қилиш масалалари”⁴ мавзуларида илмий тадқиқотлар ўтказганлар.

⁴Richard Koech and Philip Langat Improving Irrigation Water Use Efficiency: A Review of Advances, Challenges and Opportunities in the Australian Context. Received: 2 November 2018; Accepted: 28 November 2018; Published: 2 December 2018.; Enda O’Connell. Towards Adaptation of Water Resource Systems to Climatic and Socio-Economic Change. Water Resources Management August 2017, Volume

МДХ олимлари, жумладан, И.Ф.Юрченко “Суғоришда сувдан фойдаланишни бошқаришнинг ахборот тизимини яратишнинг методологик асослари”ни ишлаб чиққан. И.В.Николенко илмий ишларида “Сув хўжалиги комплексларини мутахассис кадрлар-акватрониклар билан таъминлаш” сув ресурсларидан рационал фойдаланишда муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтган. В.И.Ольгаренко эса “Хўжаликларда сувдан фойдаланишда ахборот технологияларига асосланган режалаштириш жараёнлари”ни тадқиқ қилган. Н.М.Веревкин ўз тадқиқот ишида “Автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида дарёлардаги сув сифатини бошқариш”, А.В.Матвеев “Тупрок мелиоратив режимини бошқаришнинг ахборот технологиялари” мавзуларида илмий иш олиб борганлар. М.Н.Литов эса “Суғориш тизимларини бошқариш ва мониторингини ахборот тизимлари асосида ташкил этишга замонавий ёндашишлар”⁵ мавзусида илмий тадқиқот олиб борган. Изланишларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш муаммоларига бир канча олимлар турлича ёндашишган. Л.Ф.Амиров “Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш”, С.Р.Умаров “Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш”, Ш.Т.Хасанов “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш”⁶ каби мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

А.Н.Арипов, Б.Ю.Ходиев, А.А.Мусалиев, Р.Х.Алимов, С.С.Ғуломов, Б.К.Ғойибназаров, А.Т.Кенжабаев, А.М.Абдувоҳидов, И.Е.Жуковская, Б.А.Бегалов, Р.А.Дадабоева, Т.С.Кўчқоров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари миллий иқтисодий бошқаришда ахборот тизимлари ва технологияларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш, ахборот тизимларининг менежменти ва эконометрик таҳлили, шунингдек ахборот тизимлари асосида бошқарув стратегияларини шакллантиришнинг назарий ва услубий жиҳатлари ёритиб берилган.

31, Issue 10, pp 2965–2984.; Jaime Sainz-Santamaria Adan L.Martinez-Cruz.How far can investment in efficient irrigation technologies reduce aquifer overdraft? Insights from an expert elicitation in Aguascalientes, Mexico.Water Resources and Economics.Volume 25, January 2019, Pages 42-55.; Olufunke Cofie, Tilahun Amede. Water management for sustainable intensification of agriculture and the sustainability of small farmers in sub-Saharan Africa.Water and rural development. Volume 6, November 2015, Pages 3-11

⁵Юрченко И.Ф. Методологические основы создания информационной системы управления водопользованием на орошении // Вестник российской сельскохозяйственной науки. 2017. № 1. стр. 13-17.; Николенко И.В. Акватроника - новое направление кадрового обеспечения водохозяйственного комплекса // Водоочистка. Водоподготовка. Водоснабжение. Академия строительства и архитектуры Крымский федеральный университет им. В.И. Вернадского.- Симферополь, 2017/11.; Ольгаренко В.И. Информационные технологии планирования водопользования в хозяйствах: КубГАУ, 2012/1.- №78(04).; Веревкин М.Н. Регулирование качества вод бассейна реки с использованием автоматизированной информационной системы. Автореферат. Барнаул, 2002.; Матвеев А.В. Информационные технологии управления мелиоративными режимами почв. Автореферат. Москва, 2011.; Литов М.Н. Современные подходы к организации информационных систем мониторинга и управления орошением // Проблемы развития сельскохозяйственных мелиораций и водохозяйственного комплекса на базе цифровых технологий. Материалы международной юбилейной научно-практической конференции 23-24 октября 2019.-54-58 с.

⁶Амиров Л.Ф. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Фалсафа доктори (PhD) 08.00.13–Менежмент (иқтисодий фанлари) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.; Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш. Фалсафа доктори (PhD) 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (иқтисодий фанлари) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.; Хасанов Ш.Т. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Фан доктори (DSC) 08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (иқтисодий фанлари) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.

Иқтисодчи олимлар Ё.А.Абдуллаев, Т.Ш.Шадиев, Ғ.Х.Қудратов, Қ.А.Чориев, Н.С.Хушматов, Н.Р.Асадулина ва Ч.Муродов⁷ қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш муаммолари ва уларни иқтисодий ечимлари мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Сув ресурсларидан фойдаланиш йўналишида жаҳон ва минтақа миқёсида муайян даражада салмоқли ҳисса қўшган, юқорида санаб ўтилган илмий тадқиқотлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг назарий-амалий жиҳатларини илмий тарзда тадқиқ этишга асос бўлиб хизмат қилади, лекин мазкур илмий тадқиқотларда сувдан фойдаланишнинг ахборот тизимлари ҳамда рақамли технологияларни **қўллаш самарадорлигини ошириш** тизими яхлит ҳолда кўриб чиқилмаган. Айниқса, сув танқис ҳудудларда бундай тизимни жорий қилиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Юқоридаги барча мулоҳазалар мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент молия институти илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-9. “Миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инновацион ахборот коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш назарияси ва амалиёти” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ахборот тизимларини қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

ирригация тизимлари ва қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишнинг мавжуд техник-иқтисодий ҳамда режалаштириш усулларини таҳлил қилиш;

худудий ирригация тизимларида сув ресурслари балансини юритиш бўйича гидрометрия сектори ва диспетчерлик бўлимининг сувдан самарали фойдаланишдаги иқтисодий аҳамиятини рақамли технологиялар асосида тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини тежамкор суғориш технологияларига асосланган кўп вариантли суғоришда сувдан самарали фойдаланишнинг ахборот-математик моделини ишлаб чиқиш;

сув тақчиллиги шароитида ирригация тизимларида бошқарув структурасининг ахборотлашган дастурий маҳсулоти ҳамда рақамли технологияларнинг мантиқий-функционал схемасини ишлаб чиқиш;

⁷Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик –Т.: Ўқитувчи, 2002, -592 б.; Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства: – Т.: ФАН, 1986, -168 с.; Қудратов Ғ.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачиликдаги иқтисодий муносабатлар. – Т.: Иқтисод-молия. 2006. -250 б.; Чориев Қ.А., Хушматов Н.С. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш. – Т.: Шарқ. 2002. 132 б.; Асадулина Н.Р. Механизм регулирования эффективности плодовоовощного комплекса Республики Узбекистан на основе логистического подхода. Дисс.на соис. учен. степ. канд. экон. наук. –Т.: -2006. – 158 с.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. Иқт.фан.док.илмий дараж.олиш.учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: - 2011. 46 б.

қишлоқ хўжалигида сувдан самарали ва иқтисодий муқобил фойдаланишга қаратилган интеграциялашган компьютерли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш;

худудий ирригация бўлинмаларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувдан самарали фойдаланишнинг рақамли технологияларини амалга оширишнинг маълумотлар базасини яратиш;

сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда замонавий ахборот тизимларига асосланган агрокластерлар фаолиятининг аҳамиятини таҳлил қилиш;

сув истеъмолчи хўжаликларининг йиллик сув истеъмол миқдорини экинлар турларидан олинadиган иқтисодий самарадорлик билан боғлиқ оптимал баҳолашга қаратилган маълумотлар базасини амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти Жиззах вилояти “Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизими ҳавза бошқармаси тасарруфидаги ирригация бўлимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишда ахборот тизимлари ва рақамли технологияларни қўллаш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш, дастурли моделлаштирувчи комплекс, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган сув ресурсларидан самарали фойдаланишда “тежамкор суғориш усулларини танлаш” ҳамда унинг харажат-даромад кўрсаткичлари бўйича самарадорлигини кўп вариантли иқтисодий мезонлардан фойдаланиш асосида аниқлашнинг иқтисодий-математик моделлари ишлаб чиқилган;

сув истеъмолчи хўжаликларида экинлар турларини иқтисодий асосланган ҳолда танлашда “турли хил усулларда сув истеъмолини самарали миқдорини белгилаш” ва “ҳисоблашнинг мақсадли рақамли технологиялари”ни қўллаш бўйича сувдан самарали фойдаланишга қаратилган ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

ирригация тизими гидрометрия сектори ва диспетчерлик бўлимининг иш фаолияти жараёнларига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф этилган мезонларни қўллаш асосида “сув ресурслари балансини юритиш” ва “тезкор режалаштириш механизмлари” такомиллаштирилган;

сув тақчиллиги шароитида сувдан самарали фойдаланишнинг оптимал мезонларини аниқлашга қаратилган ягона иқтисодий ахборотлар базаси асосида яратилган рақамли технологиялар негизида экин турларини танлаш усуллари ҳамда сувдан самарали фойдаланишнинг кўп мезонли оптимал йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувдан оптимал фойдаланишга мўлжалланган иқтисодий математик моделларни руёбга чиқаришнинг рақамли технологиялари ишлаб чиқилган;

сувдан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий баҳолаш мезонларини кўллашни моделлаштирувчи компьютер дастури яратилган;

сув истеъмолчи хўжаликларининг йиллик сув истеъмол миқдорини (экинлар турлари кесимида) ҳисоблашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда рақамли технологиялари ишлаб чиқилган;

ирригация тизими бошқармаларининг бошқарув структурасини такомиллаштириш тавсия қилинган. Бунда жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ирригация тизимларининг таркибий механизмларини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи автоматлаштирилган ахборот тизимини амалиётга жорий этувчи мутахассис – акватроник лавозимини киритиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги кўлланилган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларни амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ахборот тизимларини кўллаш натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг тадқиқот объекти томонидан тасдиқланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотномаларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда асосланган назарий, услубий ва амалий тавсиялар ҳамда ишланмалар сувдан фойдаланувчиларнинг сувни тежашда ахборот тизимлари ва рақамли технологияларни жорий этиш, сувдан оптимал фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал қилишда услубий асос сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: диссертацияда олинган илмий-назарий натижалардан сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида самарали фойдаланишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратишда, олий ўқув юртларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда, уларни такомиллаштиришда таълим жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сувдан самарали фойдаланишда ахборот тизимларини кўллашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб қилинган сув ресурсларидан самарали фойдаланишда тежамкор суғориш усулларини танлаш ҳамда унинг харажат-даромад кўрсаткичлари бўйича самарадорлигини аниқлашнинг иқтисодий-математик моделлари Ш.Рашидов туман ирригация бўлимига (ТИБ) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 16.11.2019 йилдаги 03/25-4416-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган математик моделдан фойдаланиб

ўтказилган ҳисоб-китоблар натижасида анъанавий суғориш усулига нисбатан томчилатиб суғориш усули 40-60% гача сувни тежаш имконини беришлиги аниқланган.

Математик модель блокига интеграциялашган компьютерли дастурлашнинг замонавий функционал схемаси ишлаб чиқилиб, сув истеъмолчи хўжалиқларининг экинлар турлари кесимида турли хил усулларда сув истеъмолини самарали миқдорини белгилаш ва ҳисоблашнинг мақсадли ахборот тизимлари Ш.Рашидов туман ирригация бўлимига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 ноябрдаги 03/25-4416-сон маълумотномаси). Натижада Ш.Рашидов ТИБ 2018 йил суғориш даври давомида манбага нисбатан 1 га майдонга сарфланган сув миқдори 2500 м³ тежалди.

Сув ресурслари балансини юритишда ирригация тизим гидрометрия сектори ва диспетчерлик бўлимининг иш фаолияти жараёнларига ахборот тизимларини қўллаш асосида “сув ресурслари балансини юритиш” ва “тезкор режалаштириш механизмлари” учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот Зомин ирригация тизими бошқармасида (ИТБ) сув ресурслари балансини юритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 ноябрдаги 03/25-4416-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурслари, гидрометрия сектори ва диспетчерлик бўлимининг ҳисоб-китоб ишларини 20% га қисқартиришга эришилган.

Сув тақчиллиги шароитида сувдан самарали фойдаланиш мезонларини аниқлашга қаратилган “ягона иқтисодий ахборотлар базаси” яратилган ва шу асосида экин турларини танлаш усуллари ҳамда сувдан оптимал фойдаланиш йўллари Зомин ИТБда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 ноябрдаги 03/25-4416-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурслари, гидрометрия сектори ва диспетчерлик бўлимининг иш унумдорлиги 30% га ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, 2 та дастурий таъминот учун гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган маҳаллий илмий журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 6 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий анжуманларда 12 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибий тузилиши мантиқан ўзаро боғлиқликда бўлган кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати ёритилган бўлиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда жорий қилинганлиги ёритилган, эълон қилинган ишлар ва диссертация таркиби келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сувдан самарали фойдаланишда ахборот тизимларини қўллаш назарияси ва амалиёти”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда сувдан фойдаланиш амалиётида ахборот тизимларини жорий этишнинг назарий асослари, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш амалиётида ахборот тизимларини жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари, сувдан фойдаланиш жараёнларида жаҳон тажрибаси каби масалалар батафсил тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши, сув ресурсларига бўлган талабнинг йил сайин ошиб боришини тақозо қилади ва шу туфайли, сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш механизмларини ҳамда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштиришни, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотларни талаб қилади.


Республикада суғориладиган ер майдони 4,3 млн гектарни ташкил этиб, жами сув ресурсларининг ўртача 90-91 фоизи қишлоқ хўжалигида, қолган қисми эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланилади. Глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони 30 фоизга қисқарган. Агар ҳарорат 2⁰Сга ортганда музликлар ҳажми 50 фоизга, 4⁰Сга ортганда эса 78 фоизга камаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин (1-расм). Таҳлиллар, иқлим ўзгариши Ўзбекистонда сув тақчиллигини янада кескинлаштиришини, 2000, 2008, 2011, 2014 ва 2018 йиллардаги каби қурғоқчиликнинг давомийлиги ва даврийлиги кўпайишига олиб келишини ҳамда иқтисодиётнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, юқоридагиларга асосан, биз қишлоқ хўжалигида сувдан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласининг қўйилиши ва унинг ечимлари вариантларини аниқлашга, шу билан бирга, сув ресурсларини



1-расм. Сирдарё ва Амударё дарёларининг сув бериш динамикаси, (млн.м/куб)⁸

бошқариш масалаларини ечишга қаратилган ахборотлар тизимини яратиш бўйича куйидаги схемадан фойдаланишни таклиф этамиз. Бу схемани биз “қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ахборотлар тизими таркибий тузилмаси” деб атадик (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ахборотлар тизими таркибий тузилмаси⁹

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг ахборотлар тизими таркибий тузилмаси ишлашининг принципаал жиҳатларини схема изоҳлаб беради.

⁸Научно-информационный центр Межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии. Ежегодник “Вода в Центральной Азии и мире” Подготовлено при поддержке Регионального Центра ООН по превентивной дипломатии для Центральной Азии.- 2020 г.

⁹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жиззах вилоятининг ирригация тизими бошқармаларида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) дан фойдаланиш даражасининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки вилоят бўйича барча ирригация тизими бошқармалари компьютер техникаси билан таъминланган. Айримларида шахсий компьютерлар сони 2-3 данадан иборат бўлса, бошқалари 7-8 та компьютер техникасига эга (1-жадвал). Кўпчилик ирригация тизими бошқармаларида АКТлар фақатгина бухгалтерия ҳисобларини автоматлаштиришда ишлатилади.

1-жадвал

“Сирдарё - Зарафшон” ирригация тизими ҳавза бошқармасига қарашли бўлимларда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғидан фойдаланиш даражаси¹⁰

Т/р	Туман (хўжалик)	Ходимлар сони	Ахборот коммуникациялари билан таъминланганлиги (%)	Ахборот коммуникация тизими жорий этиш ва ривожлантириш		Ахборот-коммуникация тизимига ажратма маблағлар 2021 йил (млн. сўм)
				Компьютер	Корпоратив тармоқлар “Е-ХАТ” электрон манзили	
1	Арнасой ТИБ	21	50	4	arnasoytib@minwater.uz	0
2	Бахмал ТИБ	24	50	3	baxmaltib@minwater.uz	6.0
3	Дўстлик ТИБ	13	50	2	dustliktib@minwater.uz	
4	Жиззах ДУК	54	45	5	jizzaxduk@minwater.uz	0
5	Мирзачўл ТИБ	24	40	2	mirzachultib@minwater.uz	2.8
6	Ш.Рашидов ТИБ	25	50	3	Shrashidov@minwater.uz	3.2
7	Зафаробод ТИБ	19	60	4	zafarobodtib@minwater.uz	3.1
8	Зомин ТИБ	29	50	3	zomintib@minwater.uz	7.2
9	Ғаллаорол ТИБ	37	50	3	gallaoroltib@minwater.uz	0.6
10	Фориш ТИБ	13	50	1	forishtib@minwater.uz	1.3
11	Зарбдор ТИБ	25	35	2	zarbdortib@minwater.uz	4.7
12	Пахтакор ТИБ	14	70	3	paxtakortib@minwater.uz	0.78
13	Туятортар ҚЛИ	58	80	10	tuyatortar2003@minwater.uz	7.9
14	“Учтом” ИТБ	72	100	13	uchtomitb335@minwater.uz	5.3
15	Зомин ИТБ	169	100	15	xzmitb@minwater.uz	5.4


Ирригация тизими бошқармаларининг сув хўжалигини ташкил этиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ технологик жараёнларни автоматлаштириш учун дастурларнинг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги суғориш тармоқларини

¹⁰“Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизими ҳавза бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишлатишда компьютер технологияларини қўлланилишига тўсқинлик қиладиган асосий сабаб ҳисобланади.

Тадқиқотлар олиб борилган “Зомин” ирригация тизими бошқармаси (ИТБ)да 15 та компьютерни бирлаштирадиган локал компьютер тармоғи фаолият кўрсатиб, электрон почта ва Internet мавжуд. “Зомин” ИТБда сувдан фойдаланишнинг дастлабки режалаштириш жараёнидан ташқари каналларнинг, иншоотларнинг ва насос станцияларининг жорий ремонтни сметалари АКТлар ёрдамида ҳисобланади ҳамда суғоришнинг бориши тўғрисида тезкор ҳисобот олиб борилади, лекин бу жараён тизимли, қарор қабул қила оладиган ахборот тизимлари ёрдамида амалга оширилмаслиги мамлакатимизда бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар қишлоқ хўжалиги олдида турган долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистонда, бир томондан, сув ресурслари танқислигини, иккинчи томондан, кўплаб қишлоқ хўжалиги тармоқларида сувдан фойдаланиш технологиялари ҳамда ирригация тизимлари реал ҳолатларини, уларнинг самарадорлигини ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда, сув ресурсларидан ҳозирги замон талаблари даражасида фойдаланилмаётганлигини кўришимиз мумкин. 2019 йил ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, республика бўйича 37 минг 767 гектар майдонда тежамкор суғориш усуллари жорий этилган. Шундан 34 минг 445 гектарида томчилатиб, 1 минг 122 гектарида ёмғирлатиб, 2 минг 200 гектарида эса пульсар суғориш усуллари қўлланилган. Биргина пахтачиликда 12 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий қилиниши натижасида вегетация даврида жами 40,3 млн. м³ ҳажмда сув тежалишига эришилган. Ушбу тежалган сув 6 минг гектардан ортиқ майдондаги такрорий экинларни суғоришга йўналтирилган¹¹.



3-расм. Айрим давлатларнинг 1 гектар майдондан олинадиган даромади¹²


Қишлоқ хўжалиги соҳасида дунё бўйича юқори натижаларга эришган Исроил давлати мураккаб иқлим шароитида жойлашганлигига қарамай 1 гектар майдондан олинадиган даромад 12 минг доллар, Туркияда 2 минг

¹¹Интернет ресурси. Сув хўжалиги тизимида 2019 йилда амалга оширилган ислохотлар яқунлари ва галдаги устувор вазифаларга бағишланган мажлиси, 25.01.2020: <http://www.water.gov.uz/uz/posts/1545735855/371>.

¹²Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

доллар, Мисрда 8 минг долларни ташкил қилади, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 300 доллар атрофида. Бундан ташқари, мамлакатимиз экин майдонларига йўналтирилаётган сув ҳажмининг фақат 60 фоизи экинларга етиб боради, 40 фоизи суғориш тизимларида ва суғориш жараёнида йўқотилади. Буларнинг барчаси республикада сувдан фойдаланиш масаласи ўта долзарблигидан далолат беради ва уни ҳал этиш йўлларидан бири сув ресурслари ахборотлар тизимини яратиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат.

Диссертациянинг иккинчи боби “Сувдан самарали фойдаланишда ахборот тизимларини қўллашнинг услубий жиҳатлари” деб номланган ва ушбу бобда сувдан фойдаланишда автоматлаштирилган ахборот тизимларини яратишнинг услубий асослари, сувдан самарали фойдаланишда автоматлаштирилган ахборот тизимларининг функционал таркиби ва вазифаларининг тадқиқи ҳамда ахборот тизимлари асосида баҳолаш усуллари кўриб чиқилган.



4-расм. Ирригация тизими бошқармаларининг ахборот тизимлари маълумотлар базасини яратиш схемаси¹³

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва қўллаш самарадорлиги соҳанинг объектив хусусиятлари, унинг ҳаётий цикли ҳамда иқтисодиётда тутган ўрнини илмий асосда тавсифлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. ААТ ишлаб чиқишнинг умумий тамойилларига кўра ахборот ресурсларининг ташкил этилишига, уларнинг объект тўғрисидаги

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маълумотлар базаларини шакллантирилиши ва унинг долзарблиги таъминланишига муҳим иқтисодий-ташкилий шартлар қўйилади.

Ирригация тизими бошқармалари ахборот тизимларининг маълумотлар базаси таклиф қилинаётган схемасининг ишлаш принципи 4-расмда кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш сув ресурсларининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Мақсадни белгилаш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш омили бўлган сув захиралари муайян даврга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясига нисбатан “иқтисодий” ва “ишлаб чиқариш” омилларининг намоён бўлишида аниқ фарқ мавжудлиги нуқтаи назаридан функционал равишда йўналтирилганлиги билан асосланади. Ушбу мақсадга мувофиқ ирригация тизимининг иерархик тузилмаси таркибидаги турли худудий бирликларда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш вазифалари қўйилган.


Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими (СРФААТ) структураси иккита ўзаро таъсир қилувчи қуйи тизимлар билан ифодаланади: адаптив-мақсадли қуйи тизим, ҳисобот ва баҳолаш қуйи тизими. Қуйи тизимлар элементларининг функционал-мақсадли ва мантиқий ўзаро таъсири СРФААТнинг ахборот базаси функциясининг автоматлаштириш тамойилларига бўйсунди, бу эса автоматлаштирилган ахборот тизимининг яхлитлиги ва функционаллигини белгилайди. СРФААТнинг структураси 5-расмда келтирилган:

1. “Ишлаб чиқариш режаси” (ИР1)
2. “Гидромодулни танлаш” (ГТ1)
3. “Каналлар” (К1)
4. “Сув истеъмолчилар уюшмалари” (СИУ1)
5. “Хўжалик” (Х1)
6. “Ҳисобот” (Ҳб1)
7. “Сув истеъмолини ҳисоблаш” (СИҲ1)
8. “Каналлардаги сув миқдори ва тақсимланиш кўрсаткичлари” (КСМ1)

Мазкур СРФААТнинг қишлоқ хўжалигида ишлаши ирригация тизимининг имкониятлари билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда яқин ва узоқ муддатларда рақобатбардош ҳолда ишлаб чиқарилишининг таҳлили ва баҳоланишига имкон беради, бундан ташқари, мазкур автоматлаштирилган тизим структураси ва ҳажми бўйича қишлоқ хўжалигида СРФААТнинг мантиқий-функционал йўналишини такомиллаштириш бўйича талаблар ҳам аниқланади.

СРФААТга бундай таъриф берилганлигининг сабаби шундаки, мазкур тизим ўз-ўзидан маълум мақсадли йўналишсиз тузилмаслиги керак; мақсадли йўналтирилиш бу борада “Адаптив-мақсадли қуйи тизим” ва “Ҳисобот ва

баҳолаш қуйи тизими” ўзаро самарадор таъсирининг ҳаётий циклини асослашдан иборат.



5-расм. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари¹⁴

Иккала қуйи тизимнинг элементлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг у ёки бу комплексининг танлови бўйича турлича статистик ва таҳлилий маълумотлардан фойдаланиш механизми сифатида, ва, шунингдек, сув ресурслари бирлигидан фойдаланишига боғлиқ нарх омилларининг структураси ва ҳажми бўйича баҳоланади.

Қўйилган масалани амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришда энг асосий мезон сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Самарадорлик мезони сифатида ягона иқтисодий кўрсаткич олинмайди, балки кўп мезонли масала қўйилади, яъни мавжуд сув манбаидаги сув лимити, экилиши зарур бўлган экин турларини сон жиҳатдан танлаш, бу экин турларининг ҳар бири бўйича зарурий бўлган сув сарфи, ҳажми ва танланган экин турларидан олинadиган бозор нархларидаги ялпи даромад ҳисобга олинади. Бу олинган тўртта кўрсаткичга нисбатан вариантлар шакллантирилади ва улар ўзаро таққосланади.

Бу таққослаш қуйидаги тартибда олиб борилади.

$Q_{l_1}(n), l_2(n), \dots, l_z(n)$ вариантдаги z -экин турлари сони бўйича

$\Sigma S_{i,j}$, $\Sigma D_{i,j}$ ва $\Sigma Q_{i,j}$ лар турлича микдорларга эга бўлади. Бу микдорлар асосида алоҳида-алоҳида $l_z(n)$ учун $\Delta_{l_z} \Sigma S_{i,j}$, $\Delta_{l_z} \Sigma D_{i,j}$ ва $\Delta_{l_z} \Sigma Q_{i,j}$ қийматлар аниқланади, яъни:

¹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$\Delta_{l_z} \Delta \Sigma S_{ij} = \Sigma S_{ij}(l_1(n)) - \Sigma S_{ij}(l_2(n))$$

$$\Delta_{l_z} \Delta \Sigma D_{ij} = \Sigma D_{ij}(l_1(n)) - \Sigma D_{ij}(l_2(n))$$

$$\Delta_{l_z} \Delta \Sigma Q_{ij} = \Sigma Q_{ij}(l_1(n)) - \Sigma Q_{ij}(l_2(n))$$

бунда: i – экин турлари индекси;

$S_i - i$ – вегетация давридаги 1 гектар экин турларига кетадиган сув сарфи (m^3);

Q – сув манбаи ҳажми (лимити, m^3);

P_i – 1 гектар ердан i – экин тури бўйича олинадиган даромад;

l – экин турлари танланган таркибидаги вариант индекси;

N – экин турлари сони;

$D_l(N)_i - l$ – вариантда i – экин турининг 1 гектарга сув истеъмоли ҳажми m^3 ;

K – озод коэффициент $k=0,1$;

$T_l - l$ – вариантда сув истеъмолининг умумий ҳажми, m^3 ;

$Z - l$ – вариантда қабул қилинган экин турлари сони ($Z \leq N$).

Юқоридаги белгилар асосида сув сарфининг хўжалик даражасида тақсимланиш жараёнини, яъни таклиф этилаётган математик моделнинг ишлаш тамойилини қуйидагича изоҳлаймиз.

Хўжалик ихтиёрига берилган ресурслар ичида сув ресурсига нисбатан ундан оптимал фойдаланиш масаласи қўйилаётганлиги боис, энг аввало, сув манбаига бириктирилган хўжалик учун ажратилган сув ҳажмини бирламчи иқтисодий объект нуқтаи назардан чегараловчи омил деб қарашимиз лозим.

Бу концептуал жараёни ихтиёрий L , N , $D_l(N)_l$ ва Z лар учун давом эттириш натижасида Q_i лар ўзаро таққосланади, бу таққосланган қийматлар S_i билан, яъни танланган экин турининг сув истеъмоли ҳажмига нисбатан Q_i лар қай даражада Q га яқинлашаётганлиги баҳоланади. Q_i ларнинг шундай қиймати, яъни Q га интилиш қиймати мавжуд бўладики, унда $P_i * Z_i$ қиймат, яъни маълум сондаги экилаётган экин туридан (Z_i) олинаётган умумий даромаднинг ўзгариши кўзда тутилмайди. Шу тариқа, концептуал моделнинг асосий мақсади, яъни Q_i ва $P_i * Z_i$ ларнинг оптимал ва мувозанат ҳолатини аниқлаш масаласи ечилади.

Аниқланган ҳар бир Δ_{l_z} – лар учун алоҳида маълумотлар базалари шакллантирилади, булар асосида экин турларининг сонига қараб шакллантирилган вариантлардаги сув сарфининг Q_{ij} га яқинлашиш даражаси бўйича баҳоланади. Бу баҳоланиш ўз навбатида D_{ij} га нисбатан, яъни ҳар бир вариантда D_{ij} –ларнинг энг юқорилари танлаб олинади, улар эса S_{ij} -лар сув сарфи миқдори билан таққосланади.

Диссертациянинг “**Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ахборот тизимлари самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда рақамли технологияларга асосланган агрокластерлар фаолияти таҳлили, қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал суғоришнинг математик моделлари, сувдан фойдаланишда автоматлаштирилган ахборот тизими самарадорлигини

баҳолаш ёритилган бўлиб, бобнинг сўнгида илмий асосланган хулосалар келтирилган.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи юқори технологиялар билан жиҳозланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига ҳам замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Республикамизга бундай замонавий технологияларни жорий қилишда агрокластерларнинг ўрни бекиёс, чунки агрокластерларнинг имкониятидан келиб чиқиб АКТларини кенг жорий қилиш, натижада эса ресурслар тежамкорлигига эришиш кўзда тутилади.

Бунда ирригация тизимлари бошқарувининг таркибий механизмларини такомиллаштириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни кўзда тутувчи моделлаштириш қуйи тизимига эга бўлган автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш каби янги инновацион ёндашувларни талаб қилади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг замонавий рақамли усулларидан фойдаланиш сув ресурсларини қанчалик тежашга олиб келишини қуйидаги математик модель ёрдамида аниқлаймиз:

$$\sum_{i=1}^n Q_i = AC + \sum_{i=1}^n KX_i \quad (1)$$

бу ерда: Q_i - сарфланган умумий сув миқдори;

AC – аҳоли ва саноат корхоналари учун ишлатиладиган сув миқдори, аҳоли сони ва саноат корхоналари сони ўзгаришига қараб сув истеъмоли нормативлари асосида ўзгарувчан қиймат;

KX_i - қишлоқ хўжалиги учун суғоришга ишлатиладиган сув миқдори;

n – суғориш усуллари сони;

i - суғориш усуллари (режимлари).

Жиззах вилояти бўйича бир кунлик аҳоли ва саноат сув истеъмоли 112000 м³ га тенг бўлиб, йиллик сув миқдори эса 112000*364= 40,8 млн.м³ тенглиги, қишлоқ хўжалигида суғоришга ишлатиладиган йиллик сув истеъмоли миқдори эса 3102,5 млн.м³ эканлиги аниқланди.

$$\sum_{i=1}^n Q_i = 40,8 \text{ млн. м}^3 + 3102,5 \text{ млн. м}^3 = 3143,3 \text{ млн. м}^3$$

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, жами йиллик сув миқдори вилоят бўйича анъанавий усулда 3143,3 млн.м³ ни ташкил қилар экан.

